



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛТЕТИ
«ТИББИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ» КАФЕДРАСИ

ЎҚИТУВЧИСИ

РАЖАПОВ ХАЙРУЛЛА БЕКДУРДИЕВИЧНИНГ

ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ
ФАНИДАН ёзган

РЕФЕРАТӢ

МАВЗУ: ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ



УРГАНЧ 2012 й

МАВЗУ: ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

I.1. Кириш.

- I.2. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари.
- I.3. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги курсининг қисқача мазмуни.

II. АСОСИЙ ҚИСМ:

II. Фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар

- II.1. Фуқаро муҳофазаси хақида умумий тушунча
- II.2. Табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар турлари, таснифи
- II.3. Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар турлари, таснифи
- II.4. Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар турлари, таснифи
- II.5. Фавқулодда вазиятларда аҳоли ҳаракати

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Мундарижа



Ҳар бир – минтақада хавфсизликни таъминлаш муаммолари шунчаки мавҳум ҳарактерда бўлмайди. Ҳамда ҳар қайси минтақада ўз хусусиятлари, хавф соладиган ўз манбалари ва хавфсизликни сақлайдиган ўз омиллари бўлади.

И. А. Каримов

I. Кириш

Инсоният XXI асрга қадам қўяр экан, ўтган давр мобайнидаги совук урушлар, тинчлик даврларида қўлланилган замонавий қуроллар, турли кўринишдаги фалокатлар ва бошка муаммоларни таҳлил килади ва янги аср бўсағасида бажариладиган тадбирларни ҳар томонлама асослаган ҳолда белгилаб олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, XX аср поёнида хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқариш жараёнининг мисли кўрилмаган юксак тараққий этган технологиялар билан таъминланиши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозалиги ва иқтисоднинг барқарор ривожланишига таҳдид солиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – мамлакат аҳолиси хавфсизлигини таъминлаш, табиий, техноген ҳамда экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишдан иборат бўлиб, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган дастлабки йилларданоқ энг муҳим вазифалар қаторидан мамлакат аҳолиси ва ҳудудини турли хил фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш масалалари ўрин олди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида таъкидлаганидек: «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган». Ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳди迪 тўғрисида Президентимиз «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида ҳам батафсил тўхтаб ўтганлар.

Аввалги икки қарама – қарши сиёсий қарашларнинг бир – бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги даврдаги фуқаролар муҳофазаси – янги ижтимоий, иқтисодий зарурат асосида ташкил топган. Яъни мустақил Ўзбекистонни ва фуқароларини турли кўринишдаги фалокатлардан ва ҳалокатлардан сақлаш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

Шу нуқтаи назардан ҳалқимизни душман томонидан бўладиган ҳам ички, ҳам ташқи таъсирлардан сақлаш, ҳозирги қуннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланса, иккинчи томондан бизнинг ўлкамиз табиий оғатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини, кучли шамол ва бошқалар) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар, катастрофалар ва экологик мувозанатнинг бузилиши натижасида унинг оқибатларидан фуқароларни, ҳалқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда қутқариш ва кечиктириб

бўлмайдиган тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим масалалардан ҳисобланади.

Албатта, юқоридаги муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун тавсифли бўлган табиий оғатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни чуқур таҳлил қилиш натижасидагина (хар бир вазиятнинг келиб чиқиши сабабини, кучини, таъсир доирасини, одамларга, атроф-муҳитга кўрсатадиган оқибатларини ўрганиш) уларга қарши энг қулай чора – тадбирлар белгиланадики, натижада ҳар қандай фавқулодда вазиятлардаги ҳам моддий, ҳам маънавий йўқотишлар миқёсини шунчалик қисқартиришга эришиш мумкин.

Дунё миқёсида юз бераётган фавқулодда вазиятлар, уларнинг хусусиятлари, фавқулодда вазиятлар манбалари бўлиши мумкин бўлган объектларнинг фаолият кўрсатиши муҳофаза тизимларини тузиш ва уни такомиллаштиришни талаб этади.

Мустақиллик давридагина фавқулодда ҳолатларда фуқаролар муҳофазаси томонидан етарли ижобий ишлар қилина бошланди.

Жўмладан, мустақиллигимизнинг дастлабки даврларида фуқароларни ва ҳудудларни табиий оғатлардан, турли хилдаги авариялардан муҳофаза қилиш, фуқароларнинг мўътадил ҳаёт фаолиятини таъминлаш борасидаги вазифаларни ҳал этиш учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1991 йилда фуқаро мудофаси тизими фуқаро муҳофазаси тизимига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартағи Ўзбекистон Республикасида “Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил қилиш” ҳақидаги буйруғида “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг” (ЎзР ФВВ) фаолияти, бош вазифаси ва йўналиши ҳамда мамлакат тизимида Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уни ташкил қилиш, таъминлаш ва бошқариш бош омиллари белгилаб берилган.

1999 йил 20 августда қабул қилинган “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Ушбу қонун аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши ва ривожланишининг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар келтирадиган талафотларни камайтириш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишни мақсад қилиб қўяди.

I.2. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари

Ҳаёт фаолият хавфсизлиги (ХФХ) — ишлаб чиқариш ва ноишлабчиқариш мухитида инсонни атроф мухитга таъсирини ҳисобга олган ҳолда хавфсизликни тамиллашга йўналтирилган билимлар системасидир.

Ҳаёт фаолият хавфсизлигининг мақсади ишлаб чиқаришда авариясиз ҳолатга эришиш, жароҳатланишни олдини олиш, инсонлар соғлигини сақлаш, меҳнат қобилиятини ошириш, меҳнат сифатини ошириш ҳисобланади.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қўйидаги икки масалани ечиш лозим бўлади:

1. Илмий (инсон-машина системасини; атроф мухит-инсон, хавфли (зараарли) ишлаб чиқариш омиллари ва бошқаларни математик моделлаштириш);
2. Амалий (ускуналарга хизмат кўрсатишида меҳнат хавфсизлигини тамиллаш).

Ҳаётий жараёнда инсонни атроф-муҳит ва унинг ташкил этувчилари билан ўзаро таъсири Ю.Н.Куржаковскийнинг «Ҳаёт фақат моддалар, энергиялар ва информациялар оқимларини тирик тана орқали ҳаракати жараёнида мавжуд бўла олмайди» деган ҳаётни сақлаш қонунига мос ҳолда элементлар орасидаги моддалар массасининг, барча турдаги энергиялар ва информацияларнинг оқимлари системасига асосланган. Ҳаётни сақлаш қонунидаги оқимлар инсонга ўзини озиқ-овқатга, сувга, ҳавога, қуёш энергиясига, ўраб турган муҳит ҳақидаги информацияларга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириши учун керак. Шу билан бир вақтда инсон ҳаётий фазасида ўзидан онгли фаолияти билан алоқадор (механик, интеллектуал энергиялар), биологик жараён чиқимлари кўринишидаги маълум массадаги моддалар оқимини, иссиқлик энергия ва бошқа энергия оқимини ажратади.

Моддалар ва энергиялар оқими алмашинуви инсон иштирок этмайдиган жараёнлар учун ҳам характерлидир. Табиий муҳит бизнинг планетамизга қуёш энергияси оқими кириб келишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида биосферада ўсимлик ва ҳайвонлар оқимини, моддалар (ҳаво, сув) адабатик оқимини, ҳар хил энергиялар оқимини, жумладан фавқулодда ҳолатларда табиий муҳитдаги энергиялар оқимини рўёбга келтиради. Техносфера учун барча турдаги хом ашё ва энергиялар оқими, маҳсулотлар ва одамлар навбати оқимларининг ҳар хиллиги; чиқинди оқимлари (атмосферага ташланаётган чиқиндилар, сув ҳовзаларига ташланаётган саноат ва бошқа ифлос сувлар, суюқ ва қаттиқ чиқиндилар, ҳар хил энергетик таъсирлар) характерлидир.

Ҳар қандай хўжалик юритишнинг чиқиндилари ва тескари самараси бўлади ва уларни йўқотиб бўлмайди. Уларни бир физик-химик шаклдан бошқа шаклга ўтказиш ёки фазога чиқариб юбориш мумкин. Техносфера, бундан ташқари тўсатдан портлаш, ёнғин

натижасида, курилиш конструкцияларини бузилишида, транспорт аварияларыда ва шунга ўхшашларда катта миқдордаги чиқиндилар ва энергия оқимини юзага келтириши мүмкін.

Ижтимоий мұхит табиий ва техноген оламни ўзgartыришга йұналтирилған инсонға харakterli бўлган барча энергия оқимларини ишлаб чиқаради ва истеъмол қиласи, жамиятда чекиш, алкоголь ичимликлар, наркотик моддалар ва шунга ўхшашларни истеъмол қилишга алоқадор заарли ҳолатларни шакллантариради.

«Инсон - атроф мұхит» системасини ҳар хил компонентлари энергия ва информацияларини харakterli массалар оқимини қўйида келтирамиз:

Табиий мұхиттинг асосий оқимлари.

- қуёш нурланиши, юлдуз ва планеталар нурланиши;
- космик нурлар, chanг, астероидлар;
- ернинг электр ва магнит майдони;
- экосистемаларда, биосферада моддалар айланиши;
- атмосфера, гидросфера ва литосфера ҳолатлари шу жумладан фавқулодда ҳолатлар;
- бошқалар.

Техносферадаги асосий оқимлар.

- хомашёлар, энергиялар оқими;
- иқтисод соҳаси маҳсулотларининг оқими;
- иқтисод соҳаси чиқиндилари;
- майший чиқиндилар;
- информация оқимлари;
- транспорт оқимлари;
- ёруғлик оқими (сунъий ёритиш);
- моддалар ва техноген авариялардаги энергия оқимлари;
- бошқалар.

Ижтимоий мұхитдаги асосий оқимлар.

- информация оқимлари (ўқитиши, давлат бошқаруви, халқаро ҳамкорлик бошқалар);
- одамлар оқими (демографик портлаш, аҳоли урбанизацияси);
- наркотик, алкоголь воситалар ва бошқа оқимлари;
- бошқалар.

Ҳаёт фаолият жараёнида инсон истеъмол қиласидиган ва чиқарадиган асосий оқимлар.

- кислород, озиқ-овқат, сув ва бошқа моддалар (алкогол, тамаки, наркотиклар) оқимлари;
- энергиялар оқими (механик, иссиқлик, қуёш ва бошқалар);
- информация оқимлари;

- хаёт фаолият жараёнидаги чиқиндишлар оқими;
- бошқалар.

I.3. ҲФХ курсининг қисқача мазмуни

Ҳаёт фаолият хавфсизлиги инсонни ҳар қандай мухитдаги фаолиятида унинг хавфсизлиги ва соғлигини таъминловчи, хавфли ва заарарли омиллардан ҳимоя қилувчи амалиёт ва назарияни қамраб олган илмий билимлар мажмуудир.

Бу фан қуйидаги асосий масалаларни ечади:

- атроф мухитнинг нокулай таъсиrlарини туркумлайди (аниклайди ва сонли баҳолайди);
- инсонни хавфлардан ҳимоялайди ёки унга нокулай омиллар таъсирини олдини олади;
- хавфли ва заарарли омилларни таъсири салбий оқибатларини тугатиш;
- мухитда инсонга нормал, шинам шароит яратиш.

Ҳаёт фаолият хавфсизлигининг интеграл кўрсаткичи ҳаётнинг давомийлиги ҳисобланади. Цивилизация тараққиёти (илмий-техниканинг, иқтисоднинг ривожланиши, қишлоқ хўжалигини индустрлаштириш, ҳар хил энергиялардан фойдаланиш - ядро энергиясигача, янги машина ва механизmlарни яратилиши, зарар кун андаларга қарши ҳар хил ўғитларнинг қўлланилиши) инсон соғлигига салбий таъсир этувчи заарарли омиллар миқдорини сезиларли даражада кўпайтирмоқда. Шу сабабли ушбу омиллардан ҳимоялаш инсон ҳаёт фаолиятини тамиллашнинг муҳим элементи бўлиб қолмоқда.

Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб ўзининг кўпайиши давомида иқтисодни ривожлантириш билан бирга хавфсизликнинг ижтимоий-иктисодий системасини яратди. Бунинг оқибатида инсонга заарарли таъсиrlар сонини ошишига қарамасдан инсоннинг хавфсизлиги даражаси ортди. Ҳозирги вақтда энг ривожланган мамлакатларда ўртacha умр кўриш 77 ёшни ташкил қиласди.

“Ҳаёт фаолият хавфсизлиги” курси инсон организми ва атроф мухит ўртасидаги мураккаб алоқаларни билиш жараёнини кўзда тутади. Инсонни мухитга таъсири физиковий қонунлар бўйича мухитнинг барча ташкил этивларни (компонентлари)ни қарама-қарши таъсирини юзага келтиради. Инсон организми у ёки бу таъсиrlарни мослашиш чегарасидан ошмагунча оғриқсиз қабул қиласди.

Ҳаёт фаолият хавфсизлиги қуйидаги масалаларни кўриб чиқади:

- миший мухитдаги хавфсизлик;
- ишлаб чиқариш мухитидаги хавфсизлик;

- шаҳар муҳитидаги ҳаёт фаолият хавфсизлиги;
- атроф муҳитдаги хавфсизлик;
- тинчлик ва уруш вақтидаги фавқулодда ҳолатлар.

Маший мухит – бу майший шароитдаги инсонга таъсир қилувчи барча омилларнинг йифиндисидир. Организмни майший омилларга реакциясини фаннинг соғлом турмуш тарзи, соғлом турмуш тарзининг касаллик профилактикаси билан алоқаси масалаларига бағишлиланган мавзуларда ўқиш мумкин.

Ишлаб чиқарии мухити – бу меҳнат фаолияти жараёнида инсонга таъсир қилувчи омиллар йифиндисидир.

Табиий муҳитдаги хавфсизлик – бу экологиянинг соҳаларидан биридир.

Экология организмни атроф муҳит билан ўзаро таъсири қонуниятларини ўрганади.

II. ФУҚАРО МУХОФАЗАСИ ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР

II.1. Фуқаро муҳофазаси ҳақида умумий тушунча

Фуқаролар муҳофазаси - умумдавлат мудофа сиёсатларидан бири бўлиб, у ҳар қандай фавқулодда ҳолатларда фуқароларни, халқ ҳўжалиги тармоқларини муҳофаза қилишда, уларнинг муттасил ишини таъминлашда ҳамда кутқариш ва тиклаш ишларини бажаришда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1991 йилда фуқаро мудофаз аси тизими фуқаро муҳофазаси тизимига айлантирилди.

Тинчлик даврларидағи табиий оғатлар, ишлаб чиқариш фалокатлари ва ҳалокатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш вазифаларини бажаради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартағи фармонига биноан аҳолини ва халқ ҳўжалиги иншоатларини табиий оғатлардан муҳофаза қилишнинг самарали усулини ташкил қилиш, Республикада табиий ва техноген ҳусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фуқаро мудофаси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ташкил қилинди.

ФВВнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналиши асосан: фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятлар рўй берганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда заарини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бундай ҳоллардаги ҳаракатларни бошқаришнинг ҳаракат тизими (ФВДТ) ни ташкил этиш ва унинг фаолиятни таъминлаш, Фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш, вазирликлар идоралар, маҳаллий давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, мақсадли дастурни ишлаб чиқиш ва ҳақозоларга қаратилган.

Республика ФВДТ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги фармонига асосан бош вазир томонидан бошқарилади. Ҳозирги кунда ФВДТ нинг Республика, маҳаллий ва обьект босқичидан иборат 14 та ҳудудий ва 40 дан ортиқ функционал қуи тизимдан иборат бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат давлат тизими ўз фаолиятини кўрсатмоқда. Ҳозирги кунга келиб ФВДТ нинг таркибида “нажоткор” Республика қидиув-күтқарув маркази, “Холаскор” маҳсус ҳарбийлаштирилган қидиув-күтқарув қисми; “Күтқарувчи”, “Қамчиқ”, “Олмазор” қисмлари ташкил этилиб, улар томонидан 8,5 минг маротаба турли фавқулодда вазиятларда ахолига ёрдам берилди.

Қутқарув ҳизмати тизимларининг ўз телефон рақамлари мавжуд (масалан, Тошкент шаҳри 050, Самарқанд шаҳри 911 ва ҳақоза) улар туну - кун ўз вазифаларини бажарадилар.

Фуқаро муҳофазасининг вазифалари: Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари - ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврда ҳам юзага келадиган ҳавфлардан аҳолини, худудларни моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу вазифалар Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунда ўз аксини топган.

Фуқаро муҳофазасининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- 1.Аҳоли ва обьектларни ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган ҳавфлардан ҳимоялаш ҳаракатлари ва усулларига тайёрлаш.
- 2.Бошқарув, хабар бериш ва алоқа тизимларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва доимий шай ҳолатда сақлаб туриш.
- 3.Халқ ҳўжалиги обьектларининг барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар комплексини ўтказиш.
- 4.Аҳолини, моддий ва маданий бойликларини ҳавфсиз жойларга эвакуация қилиш.
- 5.Муҳофазаси ҳарбий тизимлари шайлигини таъминлаш тадбирларини ўтказиш.
- 6.Аҳолини умумий ва шаҳсий сақловчи воситалари билан таъминлаш тадбирларини ўтказиш.
- 7.Аҳолини ҳарбий даврдаги хаёт фаолиятини таъминлаш.
- 8.Радиациявий, кимёвий ва биологик вазият устидан Кўзатиш ва лаборатория назорати олиб бориш.
9. Қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш.
- 10.Ҳарбий даврларда Фуқаро ҳам зарап кўрган худудларда жамоат тартибини йўлга қўйиш ва сақлаб туриш.

Демак, фуқаро муҳофазаси аҳолини ва теварак атрофни муҳофаза қилишдан иборат.

Фуқароларнинг Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқ ва мајбuriyatlari

Маълумки, Фуқаро муҳофазаси умумхалқ мудофа ишларидан бири ҳисобланади. Ҳамма Фуқароларнинг Фуқаро муҳофазаси масалаларини ҳал қилишда фаол иштирок этишлари тақоза этилади. Шунинг учун ҳам Фуқароларнинг Фуқаро муҳофазаси соҳасида ҳуқуқлари ва бурчлари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги (2000 й.) қонунининг 13 ва 14 – моддаларида аниқ кўрсатиб ўтилган.

Фуқароларнинг Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқлари қўйидагилардан иборат:

- а) ўз ҳаёти, соғлиги ва мол – мулки ҳарбий ҳаракатлардан муҳофазаланиши;
- б) умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан текин фойдаланиш;
- в) Ҳарбий ҳаракатлар кечеётган жойларда ўзлари йўлиқишилари мумкин бўлган хавф даражаси ва зарур ҳавфсизлик чоралари тўғрисида ахборот олиш;
- г) Ҳарбий ҳаракатлардан жабрланганларга уларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун шароитлар яратилади, тиббий, моддий–молиявий ва бошқа ҳил ёрдам кўрсатилади.

Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

- а) Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги барча қонун ҳужжатларига риоя қилишлари;
- б) Фуқаро муҳофазаси тадбирларини бажаришда иштирок этишлари ва тегишли тайёргарликдан ўтишлари;
- в) Фуқаро муҳофазаси сигналларини, умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланиш коидаларини билишлари;
- г) Жабрланганларга дастлабки тиббий ва бошқа ҳил ёрдам кўрсатишни билишлари;
- д) Давлат органларига, шунингдек, ташкилотларга Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда қўмаклашишлари;
- с) Фуқаро муҳофазаси обьектлари ва мол – мулкини асрой билишлари шарт.

Фавқулодда вазият (ФВ) маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги оғатлар натижасида кишиларнинг ўлимига олиб келадиган, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезирарли моддий зарар етказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

II.2. Табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар турлари, таснифи

Табиий оғат - бу табиатда юз берадиган фавқулоддаги ўзгариш бўлиб, у бирдан, тезликда инсонларнинг мўтадил яшаш, ишлаш шароитларининг бузилиши, одамларнинг ўлими ҳамда кишлек ҳўжалиги ҳайвонларнинг, моддий бойликларнинг йўқ бўлиб кетиши билан тугайдиган ҳодисалардир. Тибий оғатларнинг турли хилма – хил: ер силкиниши, сув тошқини, кучли шамол, ёнғин, қурғоқчилик, ер сурилиши ва бошқалар.

Ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган табиий оғатлар жуда катта миқёсда ва турли вақтларича бир неча сония дақиқадан (ер сурилиши, ер силкиниши, кор кўчиши) бир неча соатларгача (кучли кор ва ёмғир ёғиши), ҳатто кун ва ойгача (сув тошқини ва ёнғин бўлиши) чўзилиши мумкин.

Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларга 3 хил турдаги ҳавфли ҳодисалар киради :

- 1) Геологик ҳавфли ҳодисалар: зилзилалар, ер кўчишлари тоғ ўпришлари ва бошқа геологик ҳодисалар;
- 2) Гидрометеорологик ҳавфли ҳодисалар: сув тошқинлари, селлар, кор кўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқа ҳавфли гидрометеорологик ҳодисалар;
- 3) Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифиттотик вазиятлар: алоҳида ҳавфли инфекциялар (ўлат, вабо, сарғайма, иситма) юқумли касалликлар, риккециялар – эпидемик тошмали терлама, Брил касаллиги, зооноз инфекциялр-Сибир яраси, қутилриш, вирусли инфекциялар-СПИД;

Эпидемия - одамларнинг гурух бўлиб юқумли касалланиши (захарли модда билан ҳамда озиқ-овқатлдан оммавий заҳарланиш); эпизоотия-ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифиттоти эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишдир.

Геологик фавқулодда ҳолатларга – вулқонлар отилиши ва ер қимирлашлари киради. **Ер қимирлаши** – энг ҳавфли ва вайрон қилувчи фавқулодда ҳолатdir. Ер қимирлаганда атрофни ўраб турган фазода сейсмик зарб кузатилади, вулқонлар отилиши, цунамилар пайдо бўлиши, тоғ қатламларини сўрилиши, кор ва музликларни кўчиши ва бошқа ҳодисалар рўй бериши мумкин. Ер юзасидаги ер қимирлаш кучини балл орқали ифодалаш, унинг объектга таъсирини эса ер қимирлашнинг интенсивлиги сифатида қабул қилинган. Ер қимирлаш кучи 1 дан 4 баллгача бўлганда бинолар ва иншоотларга зарар етмайди, ер юзасида ва сувларда ўзгаришлар кузатилмайди.

1 балли ер қимирлашда ер фақат маҳсус мосламалар орқали аниқланадиган сезиларсиз силкинади.

2 баллик ер қимирлашни ниҳоятда тинч ҳолатда турган кишиларгина сезиши мумкин.

3 балли ер қимирлашни осилган нарсаларни жуда енгил тебраниши орқали дикқат билан турган одамлар сезади.

4 балли ер қимирлашини тинч турган машина ва осилган буюмларни енгил силкиниши орқали сезиш мумкин. 4 балли ер қимирлашни бино ичидаги ўтирган кўпчилик одамлар сезади.

Ер қимирлаши 5 балл бўлганда поллар ва оралиқ тўсиқлар ғичирлайди; ойналарни зириллаши, очик дераза ва эшикларни ҳаракатланиши, оқмайдиган сув юзасида кичик тўлқин ҳосил бўлиши кузатилади, атрофдаги буюмларни силкиниши сезиларли бўлади.

6 балли ер қимирлаши кўпчилик биноларни енгил шикастланиси, бир каватли ғиштли, тошли ва пахсали уйларда етарлича бузилишлар кузатилади. Нам ердларда 1 см кенгликдаги ёриклар пайдо бўлади. Хонадаги осилган нарсалар силкинади, баъзан китоб жавонидан китоблар, шкафлардаги идишлар қулайди, енгил мебеллар жойидан сурилади, юраётган одамларни мувозанати бузилади.



Ер қимирлаши 7 балл бўлганда бинолар сезиларли даражада шикастланади, айrim ҳолларда улар бузилади. Йўлларда ёриклар ҳосил бўлади, қувурларга уланган жойидан дарз кетади, тошли тўсиқлар шикастланади. Куруқ ерда ингичка ёриклар ҳосил бўлади, ер чўкишлари ва қўчкилари содир бўлиши мумкин. Сувларнинг янги манбалари ҳосил бўлиб эсқилари йўқолади. Хонадаги осилган буюмлар кучли силкинади, енгил мебеллар жойидан силжийди. Одамлар қўшимча таянчлардан фойдаланмасдан ҳаракатлана олмайди. Бунда хонадаги барча одамлар хонани тарк этиши лозим бўлади.

8 балли ер қимирлашда күпчилик биноларда етарлича бузилишлар содир бўлиши, айримлари эса бутунлай бузилиши мумкин. Тоғ қояларида ва нам ерда кўплаб ёриқлар пайдо бўлади; тоғ қатламларини кўчиши кузатилади. Сув ҳовзаларида сув лойқаланади, қудукларда сув манбаи ва сатҳи ўзгаради. Хоналардаги мебеллар жойидан кўзғалади, баъзан кўлаб тушади, енгил буюмлар жойидан сакраб туради ва оғнайди. Одамлар кийинчилик билан оёқда тик туради. Барча одамлар хонани тарк этиши лозим.

9 балли ер қимирлашда темир йўлларни қийшайиши, йўлларнинг устки қатламини шикастланиши, тутун чиқариш қувурлари ва башняларни бузилиши содир бўлади. Кўпчилик бинолар қўлаб тушади. Ерда кенглиги 10 см гача бўлган дарзлар ҳосил бўлади. Хонадаги мебеллар қулайди ва синади. Ҳайвонларнинг безовталигини ошиши кузатилади.

10 балли ер қимирлаши кўплаб биноларни вайрон бўлишига, дамбаларни сезиларли шикастланишига сабаб бўлади, йўлларга дарз кетади, тик турган миноралар ва бошқа миноралар, ёдгорликлар, ҳайкаллар қулайди. Ерда эни 1 м гача бўлган ёриқлар ҳосил бўлади. Қояларни ва денгиз қирғоқларини қулаши, янги қўлларни пайдо бўлиши ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар кузатилади. Ҳайвонларнинг иноқлиги бузилиб, ўзаро агресивлиги кучаяди.



11 балли қимирлашда биноларни умумий вайрон бўлишига сабаб бўлади. Қувурлар бутунлай ишдан чиқади. Катта масофадаги темир йўли яроқсиз ҳолатга келади. Ернинг юзасида кўпсонли ёриқлар ҳосил бўлади, ернинг юза қатламида вертикал силжишлар рўй

беради. Сув манбаларининг режимларида кучли ўзгаришлар содир бўлади, сув ҳовзаларининг ва ер ости сувларининг сатҳи ўзгаради. Хоналарда, қурилиш вайроналари остида сезиларли даражада одамларни ҳалок бўлиши ва ҳайвонларни йўқотилиши содир бўлади.



12 балли ер қимирашда бино ва иншоотлар бутунлай вайрон бўлади. Аҳолининг сезиларли қисми кучкилардан ҳалок бўлади. Ер қатламида вертикал ва горизонтал дарзлар ва силжишлар ҳосил бўлади. Кўллар, шаршаралар ҳосил бўлади, дарёларнинг оқим йўналишлари ўзгаради. Тоғли районларда ҳайвонлар, ўсимликлар кўчкилардан ҳалок ва нобуд бўлади.

Вулқон отилиши етарлича хавфга эга бўлган геологик ҳодиса хисобланади. Ер қатламида содир булувчи, отилувчи жараёнлар ҳозиргача етарлича ўрганилмаган.

Гидрометеорологик фавқулодда ҳолатлар. Метеорологик фавқулодда ҳолатларга сув босишлари, кучли шамол, бўронлар, довуллар, гирдобрлар, сув тошқинлари, ер сўрилишлари, қор кўчкилари, ер кучишлари ва бошқалар киради. Сув босиши бу маълум ҳудудни дарё, кўл

ва денгизлар сатҳининг кўтарилиши натижасида вақтинчалик сув босган худудлардир. Бу ҳолат кучли ёмғир ёғиши, музликларнинг тез эриши, сув ҳовзалари ва гидротехник иншоотлар дамбаларини бузилиши, денгиз томондан дарёларга сувларни шамол ёки цунами орқали хайдалишида юз беради. Сув босишлари қисқа (бир неча соатдан бир неча ҳафтагача) ва узоқ муддатли (2 ҳафтадан ортиқ) бўлади. Сув босиши вақтида одамлар соғлиги ва ҳаёти учун реал ҳавф туғилади, иншоотлар ва коммуникациялар вайрон бўлади, ускуналар ишдан чиқади, ҳайвонлар ҳалок бўлади, сув остида қолган экин ва моддий бойликлар йўқотилади. Бундан ташқари сув босиш ҳудудида ҳамда аҳоли кўчирилган жойда санитар-гигеник ва санитар-эпидемиологик ҳолат ёмонлашади. Сув босишидан кўриладиган зарарни камайтириш учун аҳолии ўртасида огоҳлантириш ишлари олиб борилади. Огоҳлантириш ишлари икки турга бўлинниб узоқ муддатли ва бевосита сув босиши ҳавфи вужудга келган жойда амалга оширилади. Биринчи ҳолатда профилактик тадбирлар дарё, кўллар ҳовзаларида ва денгиз қирғоғидаги сувдан қўриқлаш комплекс тадбирлари доирасида умумий тартибда олиб борилади. Огоҳлантирувчи ишларга сув босиши ҳавфи вужудга келганда Гидрометхизматининг сигнали ва хабаридан сўнг киришилади. Одатда сувни тарқалиб кетишини чеклаш учун чиқариш каналлари қазилади, дамбалар ва ҳимоя тўсиқлари курилади, ертулали бинолар гермитикланади, биринчи қаватдаги деразалар ва эшиклар сув кирмайдиган қилиб ёпилади. Авария ҳолатлари юз бериши вақтида керакли жиҳозлар ва материаллар, резина этик захиралари, кийимлар, қумли халталар тайёрланади. Ўлчаш жиҳозлари, зарур ҳолда кузатиш постлари ўрнатилади. Амалиётнинг кўрсатишича амалга оширилган ушбу тадбирлар йўқотишларни 60 % гача камайтиради. Агар сув босиши юз бериб, одамлар сув босган зонада қолса уларни қутқариш учун қайиқ, катерлардан ва одамни ушлаб тура оладиган қўлдан тайёрланган бошқа воситалардан фойдаланиш мумкин.

Кучли шамол ва унинг оқибатлари. Кучли шамол ҳам инсонлар ҳаётига ва ҳалқ хўжалигига жиддий зарар етказадиган оғатdir. Бу оғат узоқ давом этувчи ва бузиш кучига эга. Бу оғатнинг тезлиги 30 – 90 м/с.га етади. Ўрта Осиё минтақаларида шамолнинг кучи 40 – 60 м/с.га, Ўзбекистоннинг Ховос, Бекобод туманларида эса 50 – 60 м/с.ни ташкил этади. Кучли шамолнинг пайдо бўлиши, яъни атмосферада мувозанатнинг бузилиши натижасида ҳаво оқими жуда катта тезликда ҳаракатланиб, баъзи жойларда, у ўрама (воронка) ҳаракатга айланиб кетади. Бундай оғат оқибатида одамларнинг ҳалок бўлиши, иншоотларнинг бузилиши, экинзорларнинг пайҳон этиши, электр – телефон тармоқларининг издан чиқиши ва бошқа оқибатларга олиб келади. Шунингдек, кучли шамол эсганда одамлар, уй ҳайвонлари юрадиган йўллардан адашадилар, симёғочлар, дараҳтлар ағанайди, уйларнинг томлари бузилиши натижасида одамлар турли даражада жароҳат оладилар.

Шунинг учун бундай фавқулодда ҳолатда одамлар енгил, баланд қурилган иморатлардан, электр тармоқлари осилган симёочлардан, кўприклардан узокроқ жойларда сақланишлари лозим. Бу оғатдан энг ишончли сақловчи омил – бу химоя иншоотлари (метро, ер ости йўлаклари, уйларнинг ертўлалари ва бошқалар) хисобланади.

Бу оғатдан сақланишнинг яна бир омили – оғат ҳақида одамларни ўз вақтида огоҳ қилишидир. Албатта, ҳозирги пайтда об-ҳавони бир неча кун олдиндан айта оладиган замонавий услублар яратилганки, буларнинг берган маълумотлари асосида нафақат одамларни, балки уй ҳайвонларини, моддий бойликларни фалокатдан асраш, бузилиши ёки яроқсиз ҳолга келишининг олдини олиш мумкин.

Бўрон, довул ва гирдоблар – бу фавқулодда тез юз берадиган ҳаво ёки шамолнинг кўп ҳолатдаги катастрофик ҳаракатидир. Улар атмосферадаги циклоник фаолиятлар натижасида юз беради. Бу фавқулоддаги ҳолатларнинг ҳалоқатли кучи шундаки бунда ўрама қувурсимон ҳаракатдаги шамолнинг тезлиги соатига 100 км/с дан ошади. Довул энг қувватли фавқулоддаги ҳодисалардан бўлиб, ўзининг ҳалоқатли таъсири бўйича ер қимирлаши билан тенглаштирилади. У кутилмаганда юз беради. Довул қуриқликдаги қурилишларни, алоқа ва электр тармоқларини, транспорт коммуникацияларини ва кўприкларни вайрон қиласи, дарахтларни синдириб томири билан суғуради, далаларни яланғочлайди; денгиз юзасида тарқалганда 10-12 м баланликдаги улкан тўлқинларни ҳосил қиласи, одамларни ҳалок бўлишига олиб келади. Гармсел довулнинг бошқа кўринишидир. У довулга қараганда паст даражадаги нисбий намликка эга бўлиб, тупроқ эррозиясига ва ерга экилган экинларни ер билан бирга шамоллатиб қуритади, тупроқка кўмади, экинларни томирини очиб ташлайди. Бунга диаметри бир неча ўн метрдан юз метргача бўлган вертикал, баъзан қийшайган симёочга ўхшаш, тез айланувчи гирдобни ҳам киритиш мумкин.

Бўрон ва гирдблардан одамларни шикастланиши тананинг ҳар хил жойидаги ёпиқ жароҳатлар, шишлар, синишлар, бош мия чайқалиши, қон оқадиган яраланишларда кўринади. Об-ҳавони билишнинг замонавий усуллари бўрон йўналиши, унинг тезлиги ҳақида одамларни бир неча соат, ҳатто бир неча кун олдин огоҳлантириш имкониятини беради.

Яқинлашиб келаётган хавф ҳақида огоҳлантирилгандан сўнг тезлик билан уни олдини олиш тадбирларини амалга оширишга киришиш керак. Мустаҳкамлиги етарлича бўлмаган конструкцияларни ва кранларни мустаҳкамлаш, бинолардаги, томдаги деразаларни, шамоллатиш туйнукларини ёпиш лозим бўлади. Шамолга йўналишига тескари эшик ва деразаларни бинодаги босимни мувозанатлаш учун очик қолдириш лозим. Томдаги, балкондаги тушиб кетганда одамларга жароҳат етказиши лозим бўлган буюм ва жихозларни четга олиш керак. Тиббий дори-дармонлар ва боғлаш материалларини олиб қўйишни

унутмаслик тавсия этилади. Агар бўрон, гармсел ёки гирдобга очик далада тўғри келиб қолинса ернинг чукурроқ жойига, урага ва шунга ўхшаш жойга ерга иложи борича зич ётиб олиш зарур бўлади.



Сув тошқини - бу вақтинчалик ёмғир ёки тош-шағал аралаш сув оқими бўлиб кутилмаганда кўп жала қўйиши, қорлар эриши, ер қимирлаш ёки бошқа сабабларга кўра кўл, сув ҳовзаларининг дамбаларини бузилишида юзага келади. Катта массага ва юқори тезликка эга бўлган сув тошқини ўзининг йўлидаги биноларни, йўлларни, гидротехник ва бошқа иншоотларни вайрон қилади, алоқа ва электр узатиш тармоқларини ишдан чиқаради, боғларни йўқ қилади, ҳайдалган ерларни ювиб кетади, одамлар ва ҳайвонларни ҳалок бўлишига сабаб бўлади.



Ер күчиши – ўз оғирлиги таъсирида маълум ер юзасини баландликдан пастга силжиши ёки сўрилишидир. Бу ҳар хил сабабларга кўра ер юзасидаги тупроқ оғирлиги мувозанатини бузилиши ҳисобига содир бўлади. Ер кўчкиси ахоли пунктларини вайрон қилиши, қишлоқ хўжалик экинларини йўқотиши, транспорт коммуникацияларини, қувурларни, электр ва алоқа тармоқларини издан чиқаради, гидротехник иншоотларига зарар етказади. Бундан ташқари у сойларни тўлдириб, сув йўлларини тўсиб қолиши ва сув тошқини хавфини юзага келтириши мумкин. Сув тошқини ва ер кўчиши хавфи вужудга келган жойлардан одамлар пиёда ёки транспорт воситаларида хавфсиз жойга кўчирилади. Одамлар билан биргаликда моддий бойликлар ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ҳам кўчириш кўзда тутилади. Ер кўчишда одамлар кўчки остида қолишлари, ҳар хил буюмлар ва конструкцияларга урилиши ёки уларни одамларга келиб урилиши натижасида жароҳатланишлари мумкин. Бундай ҳолатларда шикастланганларга тезлик билан ёрдам кўrsatiш, зарур ҳолда сунъий нафас бериш лозим. Қор кўчиш ҳам юқорида қайд этилган фавқулодда ҳолатлар каби ўзининг салбий оқибатларига эга. Шу сабабли бундай хавфлар мавжуд бўлган тоғли районларда аҳолини бу хавфдан огоҳлантириш ва ҳимоялаш тадбирларини доимий йўлга кўйиш талаб этилади.



II.3. Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар турлари, таснифи

Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларга 7 ҳил турдаги вазиятлар киради:

- 1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалоқатлар.
- 2) Кимёвий ҳавфли объектлардаги авариялар:
- 3) Ёнгъин - портлаш ҳавфи мавжуд бөлгөн объектлардаги авариялар:
- 4) Энергетика ва комунал тизимлардаги авариялар:
- 5) Бино ва иншоатларнинг бирдан кулаб тушиши билан бөгълиқ авариялар:
- 6) Родияктив ва бошқа ҳавфли ҳамда экологик жиҳатдан заарарлы моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан бөгълиқ авариялар:
- 7) Гидротехник иншоатлардаги ҳалоқатлар ва авариялар:

Ишлаб чиқариш жараёнларидағи авариялар

Авария деганда бажариладиган ишнинг бирдан түхтаб қолиши, ёки саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг издан чиқиши, транспортларда ва бошқа объектларда моддий бойликларнинг бузилиши, йўқ бўлиши тушунилади.

Аварияларнинг келиб чиқишига қўйидаги омиллар сабабчи бўлиши мумкин:


- ♦ Табиий оғат туфайли;
- ♦ Иншоатларни лойиҳалашда ёки уни қуришда қўйиладиган хатоликлар туфайли;
- ♦ Ишлаб чиқариш технологиясининг бузилиши;
- ♦ Транспорт, механизм, жиҳозлардан нотўғри фойдаланганда;
- ♦ Агрессив моддаларни (портловчи, тез аллангаланувчи заҳарли моддаларни) нотўғри сақланиши ва уни ишлатилиш қоидаларининг бузилиши оқибатида;
- ♦ техника ҳавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ва бошқалар.

Мана шундай хатоликлар туфайли ишлаб чиқаришларда катта авариялар содир бўладики, оқибатда кўпдан-кўп инсонлар жабрланади ва моддий бойликлар йўқ бўлиб кетади. Кўпинча кимё, нефтни қайта ишловчи саноат, қофоз ишлаб чиқариш саноати, гўшт-сут, озиқ-овқат, металлургия, кончилик ва бошқа саноат корхоналарида авариялар тез-тез учрайди. Айниқса, КТЗМ таъсирида бўладиган авариялар: кимё, нефтни қайта ишловчи, қофоз-целлюлоза, гўшт-сут, озиқ-овқат саноати, сувтозалаш иншоатларида ҳамда темир йўлларда КТЗМни ташишда кўп учрайди.

КТЗМ кўрсатилган концентрациядан ортиқ бўлганда одамларга, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларига, ўсимликларга, ташқи муҳитга кучли таъсир этиб, турли даражада шикастлантиради. КТЗМ қаторига технологик жараёнларда қўлланиладиган аммиак, хлор,

сулфат кислотаси, водород фторид, азот, олтингугурт оксидлари ва бошқаларни киритиш мүмкін.

КТЗМлардан саноатда кўп ишлатиладигани аммиак.



Аммиак — нашатир ҳидли рангсиз газ. Уни саноатда совутгич воситаси сифатида, азотли ўғитлар олишда ва бошқа мақсадларда ишлатади. Агар аммиак ҳаво билан 4:3 нисбатда аралашса портлади. Аммиак сувда яхши эрийди. Унинг юқори концентрацияси инсоннинг марказий асаб тизимини издан чиқариб, паллаж бўлишига олиб келади. Агар аммиак тъсирида инсон заҳарланса, бир неча соатдан сўнг у ўлимга олиб келади. Терига тегса турли даражадаги жароҳатланиш рўй беради.

Аммиак тъсирида заҳарланишда биринчи ёрдам: очик ҳаво, 10 фоизли ментолни хлороформдаги илиқ эритмасини ҳидлаш, иссиқ содали сут ичиш, агар кўзга тушган бўлса, аввало 0,5-1 фоизли қўш тузларнинг эритмаси, сўнгра сув билан ювиш; тери шикастланганда эса тоза сув билан ювиш, 5 фоизли сирка, лимон ёки хлорид кислота шимдирилган латтани кўйиш ва бошқа омиллар бажарилади.

Аммиакдан сақланишда: «К» ёки «М» маркали филтрловчи саноат газниқоби, агар аммиак водород суlfид билан аралашган бўлса «КД» маркали газниқоби ишлатилиб, жуда юқори концентрацияда изоляцияловчи газниқоблар ва ҳимоя кийимлари ишлатилади.

Хлор — ўткир ҳидли, сарик рангли газ. Хлор қофоз-целлюлоза, тўқимачилик саноатида, хлорли оҳак ишлаб чиқаришда, сувни зарарсизлантиришда ва бошқа соҳаларда ишлатилади.

Хлор нафас органларини ишдан чиқаради. Юқори концентрацияда 1-2 марта нафас олиш ўлим билан якунланади.

Биринчи ёрдам. Шикастланган ҳудудларда газниқобларни кийиш керак. Нафас органлари ишдан чиққанлар нашатир спиртини, ичимлик содасини ҳидлаши, 2 фоизли

содали эритма билан кўзни, бурунни ва томоқларни ювиши, иссиқ боржомли ёки содали сутдан, кофедан ичиши керак.

Химояланиш. «В» ва «М» маркали филтрловчи саноат газниқоблари, ГП-5 фуқаролар газниқоби, болалар газниқоби ва уларни химоя комплектидан фойдаланилади. Агар унинг концентрацияси юқори бўлса (8,6 мг/л.дан юқори) изоляцияловчи газниқоблар кўлланилади.



Олтингугурт оксиди — ўткир хидли, рангиз газ бўлиб, ёнмайди. Бу модда олтингугуртли рудаларни ёндирганда ҳосил бўлиб, у сулфат кислота ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ҳисобланади. Ундан ташқари бу газ тўқимачилик саноатида оқартирувчи сифатида, озиқ-овқат саноатида консервация қилувчи модда сифатида ишлатилади. У сувда, спиртда, сирка ва сулфат кислоталарда, хлороформда ва эфирда яхши эрийди.

Олтингугурт ангидриди нафас йўлларини ишдан чиқариб, кўзни хиралаштиради. Кичик концентрацияда инсон кучсиз йўталиш, томокда ва кўкракда оғриқ, кўздан ёш оқиш, катта дозада эса қусиш, хушдан кетиш аломатлари кузатилади.

Биринчи ёрдам: тоза ҳаво, кислород ингаляциясини таъминлаш, кўзни, бурунни ювиш, томоқни 2 фоизли содали эритма билан чайиш, бўйинни иссиқ қилиш, иссиқ содали, ёғли, асалли ёки боржомли сут ичиш тавсия этилади.

Химояланиш: «В» ва «М» маркали филтрловчи саноат газниқоблари, изоляцион фуқаролар ва болалар газниқобларидан фойдаланилади.

Юқорида айтилган тез таъсир этувчи заҳарли моддалар ишлатадиган корхоналарда авария содир бўлганда шу ердаги ва корхона атрофида яшовчи халқ заҳарланиши мумкин.

Албатта, заҳарланиш даражаси: унингдозасига, одамларнинг заҳарли моддадан узоқ – яқинлигига, буғланиш даражасига, шамол тезлигига ва бошқа факторларга боғлиқ.

Агар, шундай авария фавқулодда содир бўлса, албатта, биринчи навбатда ўз вақтида ва сифатли офат ўчогини белгилаш лозим. Бу вазифани фуқаро муҳофазаси хизмат тизимларининг — разведка қисмлари бажарадилар. Улар авария жойини, заҳарли модда турини, заҳарли модда дозасини ва шикастланган ҳудуддан қандай қилиб одамларни заҳарламасдан олиб чиқиб кетиш йўлларини белгилаб берадилар.

П.4. Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар турлари, таснифи

Экологик тусдаги ФВ лар асосан 3 ҳил бўлади

1. Қуруқлик (тупроқ ер ости) нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли қўчкилар, фойдали қазилмаларни қазиш чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши.

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чикадиган токсикантлар билан ифлосланиши ,оғир металлар, нефт маҳсулотлари шунингдек, кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришда одамларнинг соғлиги учун ҳавф солувчи концентрасияларда қўлланиладиган пестисидалар ва бошқа заҳарли ҳимикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва ҳоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво мухитининг қўйидаги ингридиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, дитрацияларда антропоген тусдаги бошқа заарарли моддалар;

Кенг қўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

Радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ишлаб чиқариши оқавалари; нефт маҳсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металлар, ҳар ҳил заҳарли ҳимикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа заарарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши.

Бинолар муҳандислик коммуникасиялари ва уй-жойларнинг емирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг заарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги,

Хозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна кўшимча қилиб:

- а) ижтимоий–сиёсий тавсифдаги ФВ
- б) ҳарбий тавсифдаги ФВ нинг киритиш мумкин.

II.5. Фавқулодда вазиятларда ахоли ҳаракати

Фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш

- Фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда авария-қутқарув ва бошка кечиктириб бўлмайдиган ишларни ташкил этиш усуллари.
- Зилзила оқибатларини бартараф этиш.
- Сув тошқини ва сел оқибатларини бартараф этиш.
- Ишлаб чикаришдаги авариялар ва халокатлар оқибатларини бартараф этиш. Табиий хамда теноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда авария-қутқарув ва бошка кечиктириб бўлмайдиган ишларни ташкил этиш усуллари.
- кечиктириб бўлмайдиган ишларни ташкил этиш усуллари.
- Табиий оғатлар, ишлаб чикаришда содир бўладиган авариялар ва халокатлар халк хўжалигига кўплаб зарар келтирибгина колмасдан, инсонлар хаётига хам зомин бўлади.
- Табиий оғатлар, ишлаб чикаришда содир бўладиган авариялар ва халокатлар кутилмаганда содир бўлиши билан хатарлидир. Авария-қутқарув ва бошка кечиктириб бўлмайдиган ишларни ташкил қилиш учун куч ва воситаларни олдиндан тайёрлаш керак.

Зилзила талофатини камайтириш режаси

- 1.зилзилагача
2. Зилзила вақтида
3. Зилзиладан сўнг

Зилзилагача

- Хавфсиз жойларни **аниқланг**

Сизни асраб қолиши мумкин бўлган жойлар:

ванна хона, хоналарнинг ички бурчаклари, эшик кесакиси, мустаҳкам стол ости, кресло, диван, ёки кроват ёни.





- Хавфли жойларни **аниқланг**

Хонадонигиз ичидаги хавфли жойлар:

Бинонинг ташки девори, дераза ойналари, шифтдан оғир қандил, чироқ ёки бошқа нарсалар тушиши ўт чиқиши мумкин бўлган жойлар, зина поялар ва лифт


- Сув озиқ овқат ва муҳим нарсалар заҳирасини яратинг, зилзиладан сўнг учрашув жойи ва бошқалар


Хавф манбаларини камайтириш



Үт ўчириш ва биринчи тиббий ёрдам воситасини
барча оила аъзоларига маълум бўлган жойда асранг

Зилзила вактида





Зилзиладан сўнг

- Ён атрофингиздаги вазиятни баҳолаб, жароҳат олган бўлсангиз аввал ўзингизга, сўнгра атрофдагиларга ёрдам беринг.
- Газ ҳидини сезсангиз тезда газни ўчиринг. Эшик ва деразаларини очинг ва тезлик билан ташқарига чиқиб кетинг.
- Яқинларингизга ёрдам беринг, уларни тинчлантиришга ҳаракат қилинг.
- Вайрона уюми остида қолган бўлсангиз тушкунликка тушманг, албатта сизни қутқаришади

Кўчки вақтида аҳолини харакатланиш йуналиши



Жабрланганларни қидириб топиш ва уларни вайрон бўлган, заарланган, ёнаётган бинолардан, сув, газ, тутун босган бино хамда вайронга уюмлари орасидан олиб чиқиш



Жабрланғанларга бириңчи тиббий ёрдамни күрсатыш ҳамда уларни шифокорларға топшириш



ЭВАКУАЦИЯ



Х У Л О С А

Ҳаёт хавфсизлиги асослари фани инсон фаолиятининг ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолияти билан чегараланмасдан, унинг яшаш мухити, ҳар хил бўлиши мумкин бўлган табиий ва тасодифий оғатлардан сакланиш, табиат ва одамзод уйғинлигини яхши тушиниш, табиатга мулоҳаза билан, унинг мувозанат занжирини узилиб кетишдан эҳтиёт қилган холда ёндашиш масалаларини инсон онгига сингдириш вазифасини бажаради. Фуқароларни хавфсизлигини таъминлаш чораларини излаб топади ва фуқароларни ҳимоя қиласди. Ҳаёт хавфсизлиги асослари фани кенг тармокли фан хисобланади. Бу фан жамиятнинг хамма соҳаларида бирдек мухимдир. Фавқулотда холатлар, уларни бартараф этиш усуллари, фавқулотда холатларда ҳабар бериш усуллари, фуқаро муҳофазаси, ҳаёт фаолияти фанининг мақсади, вазифалари, уларни ўрганиш, чуқурроқ билишга харакат қилиш, амалиётга татбиқ этиш мухим ахамиятга эга. Шуни айтиш жоизки, бу фанни билиш Ўзбекистон Республикаси худудида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар оқибатларини муваффақиятли бартараф этишда ёрдам беради.

Юқоридагилардан хulosса қилиб шуни айтиш керакки, фавқулодда вазиятларда уюшқоқлик, ўзига юклатилган вазифани пухта ва тўлиқ бажариш, талабчанлик ва қатъият, темирдек қаттиқ интизом асосий ўрин эгаллаши керак.

Президентимиз И. А. Каримов айтганларидек, – «Миллионлаб кишиларнинг тақдири хавф остида қолар экан, буни ҳеч қандай мақсад билан оқлаб бўлмайди».

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. О. Құдратов, Т. Фаниев., «Хаёттій фаолият ҳавфсизлиги» Тошкент «Меңнат» – 2004
2. О. Құдратов, Т. Фаниев, Йўлдошев, Ф.Ё.Ёрматов, Н.Ҳабибуллаев, «Хаёттій фаолият ҳавфсизлиги» Тошкент «Алоқачи» – 2005
3. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ҳавфсизликга таҳдид ва барқарорлик кафолатлари. Тошкент -1997 й.
4. Табиий, техноген ва екологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 27 октябр 1998 йил № 455-сонли қарори.
5. М.Тожиев, И.Неъматов, М.Илҳомов «Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси» Тошкент-2002 й.
6. О.Кудратов, Т. Фаниев «Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси». Тошкент-2005 й.
7. Фуқаро муҳофазаси институти жамоаси «Тингловчилар учун фуқаро муҳофазаси масалалари бўйича ўкув қўлланмаси» Тошкент-2008 й
8. Искандар Рахмонов, Ўткир Вахобов, Хусниддин Ёқубов. Фавқулодда ҳолатларда шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш. Ўзбекистон Республикаси ФВВ Фуқаро муҳофазаси институти. «Фан» Тошкент 2005 й.
9. З.Ф.Илёсова «Хаёт ҳавфсизлиги асослари» Тошкент «Молия»-2001 й.
10. А.Курбониёзов «Фуқаро муҳофазаси» Тошкент «Ўқитувчи»-1997й.

МУНДАРИЖА

I.1. Кириш	4
I.2. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари.	6
I.3. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги курсининг қисқача мазмуни.....	8
 II. АСОСИЙ ҚИСМ:	
Фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар	
II.1. Фуқаро муҳофазаси ҳақида умумий тушунча	10
II.2. Табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар турлари, таснифи	13
II.3. Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар турлари, таснифи	22
II.4. Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар турлари, таснифи	25
II.5. Фавқулодда вазиятларда аҳоли ҳаракати	27
Хулоса	32
Фойдаланилган адабиётлар	33